

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банки акциядоларининг 2015 йил 3 ноябрдаги
навбатдан ташқари умумий йиғилиши натижалари бўйича банкнинг расмий
веб-сайтида жойлаштириладиган муҳим фактлар**

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1.	Тўлиқ:	“Агробанк” акциядорлик тижорат банки					
	Қисқартирилган:	“Агробанк” АТБ					
	Биржа тикерининг номи:	AGB					
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
2.	Жойлашган жойи:	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй.					
	Почта манзили:	100096, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй.					
	Электрон почта манзили:	headoffice@agrobank.uz					
	Расмий веб-сайти:	www.agrobank.uz					
МУҲИМ ФАКТ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ							
Муҳим фактнинг рақами:		06					
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
Умумий йиғилиш тури:		навбатдан ташқари					
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		03.11.2015 й.					
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		10.11.2015 й.					
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй.					
Умумий йиғилиш кворуми:		70,72%					
N	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
		ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
1.	Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш	100	161690759				
2.	Банкнинг Устав капиталини ошириш	100	161690759				
3.	Банк Уставига ўзгартириш киритиш	100	161690759				
4.	Банк томонидан тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни тузиш.*	100	58179864				
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							

1.	<p>Банк акциядорларининг йиғилиши кун тартибдаги 4 та масала - банкнинг эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш, банкнинг Устав капиталини ошириш, банк Уставига ўзгартириш киритиш ва банк томонидан тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимни тузиш бўйича банк Юридик хизмат департаменти бошлиғи Саипов Жамшид Акбаровичга 20 дақиқача, музокарага чиқувчилар учун 5 дақиқа вақт ажритиш орқали йиғилиш регламенти тасдиқлансин.</p>
2.	<p>1.Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдори 178 849 131 (бир юз етмиш саккиз миллион саккиз юз қирқ тўққиз минг бир юз ўттиз бир) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 208 895 785 008 (икки юз саккиз миллиард саккиз юз тўқсон беш миллион етти юз саксон беш минг саккиз) сўм деб белгилансин.</p> <p>2.Банкнинг эълон қилинган акцияларидан 85 616 438 (саксон беш миллион олти юз ўн олти минг тўрт юз ўттиз саккиз) дона акциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26-октябрдаги “Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг инвестицион фаоллигини жадаллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2420-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хусусий йўсида (ёпиқ обуна қилиш) қонунчиликда ўрнатилган тартибда жойлаштириш белгилансин.</p> <p>3.Банкнинг эълон қилинган акцияларидан 93 232 693 (тўқсон уч миллион икки юз ўттиз икки минг олти юз тўқсон уч) дона акциялари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгилан тартибда жойлаштириш белгилансин.</p>
3.	<p>1.Банкнинг эълон қилинган акциялари миқдори доирасида кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш, чиқарилиш тўғрисида қарорни тасдиқлаш банк Кенгаши томонидан амалга оширилсин.</p> <p>2.Банк Кенгаши банкнинг эълон қилинган акциялари тўлиқ жойлаштириб бўлингач банк устав капиталини кўпайтириш тўғрисида ҳамда банк устав капитали кўпайтирилиши муносабати билан банк Уставига тегишли кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилсин.</p>
4.	<p>1. Банкнинг Уставига киритилаётган ўзгартириш иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p> <p>2. Банк Бошқаруви зиммасига банкнинг Уставига киритилаётган ўзгартиришни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.</p>
5.	<p>1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги “Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг инвестицион фаоллигини жадаллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2420-сонли Қарорига асосан муомалага чиқариладиган акциялар жойлаштирилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан тузилишидан манфаатдорлик битимларни банк Бошқаруви томонидан тузишга рухсат берилсин.</p> <p>2.Банк Бошқаруви тузилишидан манфаатдор бўлган битимларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилишини таъминласин.</p> <p>3. Мазкур йиғилиш қарорларининг бажарилишини назорат қилиш банк Кенгашига топширилсин.</p> <p>Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.</p>
Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) кўшимчаларнинг матни	<p>“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг 2014 йил 4 августда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида 78-рақам билан рўйхатга олинган Уставига киритилаётган ўзгартиришнинг матни</p>

		<p>1.Банк Уставининг 19-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:</p> <p>“19. Банкнинг устав капитали 267 648 213 824 (икки юз олтмиш етти миллиард олти юз қирқ саккиз миллион икки юз ўн уч минг саккиз юз йигирма тўрт) сўм бўлиб, қуйидагилардан иборат:</p> <p>а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 228 650 868 (икки юз йигирма саккиз миллион олти юз эллик минг саккиз юз олтмиш саккиз) дона;</p> <p>б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар 500 000 (беш юз минг) дона.</p> <p>Банк устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялари 178 849 131 (бир юз етмиш саккиз миллион саккиз юз қирқ тўққиз минг бир юз ўттиз бир) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат. Шундан, банк устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялари 85 616 438 (саксон беш миллион олти юз ўн олти минг тўрт юз ўттиз саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги “Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг инвестицион фаоллигини жадаллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2420-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хусусий йўсинда (ёпиқ обуна қилиш), банк акциядорлари томонидан акцияларни сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаган ҳолда қонунчиликда ўрнатилган тартибда жойлаштирилади.</p> <p>Банк акцияларининг номинал қиймати 1 168 (бир минг бир юз олтмиш саккиз) сўм”.</p>
--	--	---

*) Малакали кўпчилик овоз бериш орқали қарор қабул қилинди.

**Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари**

Б.К.Зарипов

Бош бухгалтер

Ш.Ш.Мирзаев

Веб-сайтда ахборот
жойлаштирган маъсул
ижрочи Р.Юсупов